ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 11

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.11.2024
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)*
O'ral Xoliyorov, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Olmos Ulviy Binnatova, *f.f.d., professor (Ozarbayjon)*
Karl Rayxl, *f.f.d., professor (Germaniya)*
Vali Savash yelok, *f.f.d., professor (Turkiya)*
Dorota Silviya, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)*
Muslihiddin Muhiddinov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Ibodulla Mirzayev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Abdi Mamatov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Suyun Karimov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Muhammadxon Hakimov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Nafas Shodmonov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Dilmurod Quronov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Murodqosim Abdiyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Baxtiyor Mengliyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Normat Yo'ldoshev, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Abdulla Xudoyqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Bobonazar Murtazayev, *f.f.n., dotsent (O'zbekiston)*
Asqar Eshmo'minov, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Obidjon Shofiyev, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Zafar Umurqulov, *f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O'zbekiston)*
Nurali Amonturdiyev, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Hakim Ahmedov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Ahad Shukurov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Eshnazar Jabborov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Abdumurod Arslonov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sirojiddin Turdimurodov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Umida Raximova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Gulchehra Begmatova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Nargis Qurbonazarova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Muyassar Xolova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Shoira Omonturdiyeva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sherzod Turdiqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Zaynura Qodirova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Humayun Nadim Muhammad, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Dilrabo Ergasheva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.11.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100
Цена договорная
Заказ: 155
Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, *доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)*
Шохиста Махмараимова, *доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)*
Урал Холияров, *ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Олмос Улвий Биннатова, *д.ф.н., профессор (Азербайджан)*
Карл Райхл, *д.ф.н., профессор (Германия)*
Вали Саваш Елок, *д.ф.н., профессор (Турция)*
Дорота Сильвия, *PhD, доцент (Польша)*
Муслихиддин Мухиддинов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Ибодулла Мирзаев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Абди Маматов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Суюн Каримов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мухаммадхон Хакимов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нафас Шодмонов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Дилмурод Куронов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мурадкасим Абдиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Бахтиёр Менглиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нормат Юлдашев, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Абдулла Худайкулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Бобоназар Муртазаев, *ф.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Аскар Эшмуминов, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Обиджон Шофиев, *д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Зафар Умуркулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Нурали Амонтурдиев, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хаким Ахмедов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Ахад Шукуров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Эшназар Джаббаров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Абдумурод Арслонов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Сирожиддин Турдимуродов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Умида Рахимова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Гульчехра Бегматова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Наргис Курбаназарова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Муяссар Холова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шаира Амонтурдиева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шерзад Турдикулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Зайнура Кадирова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хумаюн Надим Мухаммад, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Дильрабо Эргашева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President`s Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.11.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94
Offset printing. Offset paper
Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155

Printed at the
«Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)*
Shohista Makhmaraimova, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)*
Ural Kholiyorov, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Olmos Ulviy Binnatova, *doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)*
Karl Rayxl, *doct.of philol. sciences, professor (Germany)*
Vali Salvash Elok, *doct. of philol. sciences, professor (Turkey)*
Dorota Silvia, *PhD, associate professor (Poland)*
Muslihiddin Mukhiddinov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Ibodulla Mirzaev, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Abdi Mmatov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Suyun Karimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muhammadkhon Khakimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Nafas Shodmonov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Dilmurod Kuronov, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muradkasim Abdiyev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Bakhtiyor Mengliev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Normat Yuldashev, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Abdulla Khudaykulov, *PhD (Uzbekistan)*
Bobonazar Murtazaev, *cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Askar Eshmuminov, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Obidjon Shofiev, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Zafar Umurkulov, *PhD (Uzbekistan)*
Nurali Amonturdiev, *PhD (Uzbekistan)*
Hakim Akhmedov, *PhD (Uzbekistan)*
Ahad Shukurov, *PhD (Uzbekistan)*
Eshnazar Jabbarov, *PhD (Uzbekistan)*
Abdumurod Arslonov, *PhD (Uzbekistan)*
Sirojiddin Turdimurodov, *PhD (Uzbekistan)*
Umida Rakhimova, *PhD (Uzbekistan)*
Gulchekhra Begmatova, *PhD (Uzbekistan)*
Nargis Kurbanazarova, *PhD (Uzbekistan)*
Muyassar Kholova, *PhD (Uzbekistan)*
Shoira Omonturdiyeva, *PhD (Uzbekistan)*
Sherzod Turdikulov, *PhD (Uzbekistan)*
Zaynura Kadirova, *PhD (Uzbekistan)*
Humayun Nadim Muhammad, *PhD (Uzbekistan)*
Dilrabo Ergashova, *PhD (Uzbekistan)*

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

AMANOV ABDIJABBOR SATTAROVICH
Murakkab sintaktik tuzilmalar haqida 7

УСМОНОВА ШАҲОДАТ
Газета дискурсида таржима масаласи: Трансформацион таҳлил 11

XOLNAZAROV UMID ERKINOVICH
Tog‘ay Murod uslubiy bayonida antropomorf metaforalarning voqelanishi 16

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Tilning mohiyati va vazifalarini yuzaga keltirishda uslubiyatning o‘rni 19

ИБАТОВА АМИРА ШАВКАТОВНА
Лексика – тилдаги барча сўзларнинг йиғиндиси 23

NABIYEVA RUSHANA JAMOL QIZI
O‘zbek tilidagi yangi oziq-ovqat o‘zlashmalarining leksikografik tavsifi masalalari:
Muammo va vazifalar 26

NABIYEVA PARVINA AKBARJANOVNA
Jahon tilshunosligida tezaurus tushunchasi va uning tadqiqi 30

MUXAMMADIYEV NODIR RUSTAMZODA
Qashqadaryo viloyati o‘zbek shevalariga fors-tojik
va arab tillaridan o‘zlashgan so‘zlar tahlili 35

ASATULLAYEVA DILNAVOZ JONDULLAYEVNA
Morfonologik hodisalar va ularning Buxoro viloyati o‘g‘uz shevalarida uchrashi 39

ABDULLAJONOVA MADINA TO‘LANBOY QIZI
Yozma nutq shakllanishi va rivojlanishining psixolingvistik tahlili 42

NAZARMATOVA KUMUSH FARHODOVNA
O‘zbek tilida komplimentlarning lingvopragmatik tahlili
(O‘. Hoshimovning «Ikki eshik orasi» asari misolida) 46

MUHSINJONOVA SHIRINOY ASLIDDIN QIZI
«Devonu lug‘otit-turk» asarida qo‘llangan taom nomlarining qiyosiy tadqiqi 50

MUKUMOV MAKHMUD KHUDAYBERDIEVICH
Lexical composition of scientific prose 53

НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА РАДЖАПОВА
Гендерная лексика в туркменском языке 56

МУНДАРИЖА

ТОЙЧИЕВА НАСИБАХОН СУРАНБАЕВНА
Сходства и различия в процессе формирования терминологии
бытовой лексики в узбекском и русском языках 58

BOBOMUROTOV FARRUKH,
DAVLYATOVA ELVIRA MURATOVNA
The problems of reconstruction aphoristic prose of e. M. Remarque in uzbek translations..... 64

НАЗАРОВА МАНЗУРА НАСРУЛЛАЕВНА,
БАХТИЁРОВ ШОХЖАХОН
Роль речи в развитии мышления..... 68

QAHRAMONOV ISLOM BOTIR O‘G‘LI
DAVLYATOVA ELVIRA MURADOVNA
The problems of thematic classification of
military terms in english and uzbek languages..... 71

ADABIYOTSHUNOSLIK

АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ
Убайдий ва шайх Саъдий..... 75

МУСТАФОҚУЛОВ РЎЗИҚУЛ БОЙНАЗАРОВИЧ
Мангу барҳаёт сиймо..... 78

ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА
Эстетика запада и востока в творчестве Гюстава Флобера..... 83

TAJIBAYEVA DILFUZA ERKINOVNA
Poetik timsol yaratishda oq rang tasviri 86

МУСИНОВА ЗЕБО ТУРАБОВНА
Разоблачение роковых последствий в историческом
Романе эжена сю «жан кавалье» 88

MANSUROVA UMIDAXON IBROHIMOVNA
Badiiy asarda biografik tasvirning o‘rni 92

BOYMURATOVA NARGIZA BOZORBOYEVNA
Tasavvufiy timsollar va she’riyat 96

NAZAROVA NAMUNA ABDUMAJITOVNA
Sirojiddin Sayyid ijodidan bir g‘azal tahlili..... 98

ҳолатларга қарши курашишди. Уларнинг асарлари ҳозирги кунгача ўқилиши ва ўрганилиши керак бўлган бебаҳо меросдир.

Resume: Ubaydiy and Sheikh Sa'di are significant poets and thinkers whose works contribute greatly to the classical tradition of Eastern literature. Ubaydiy, in his own way, continued the literary traditions of his predecessors, creating works in Persian, Arabic, and Turkish, while Sheikh Sa'di of Shiraz is renowned for his philosophical depth and moral teachings in his famous works «Gulistan» and «Bustan».

Sa'di is not only known for his eloquent expression but also for his profound moral reflections. His writings emphasize the values of hard work, patience, morality, and spiritual growth. Both poets, through their literary works, engaged in a struggle against the social injustices of their time, leaving behind a timeless legacy that continues to be relevant for study and inspiration today.

Резюме: Убайдий и Шейх Саъди — великие поэты и мыслители своего времени, чье творчество стало важной частью классической восточной литературы. Убайдий продолжал традиции своих предшественников, создавая произведения на арабском, персидском и турецком языках, а Саъди Ширази оставил глубокое философское наследие через свои работы «Гулистан» и «Бустон».

Саъди известен не только своей литературной выразительностью, но и глубокими нравственными учениями. Его произведения акцентируют внимание на значении труда, терпения, морали и духовного роста. Оба поэта стремились через свои стихи противостоять социальной несправедливости своего времени, предоставляя ценнейшее наследие, которое до сих пор является актуальным для изучения и понимания.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 11
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМО

Мустафоқулов Рўзиқул Бойназарович
Термиз давлат университети ижтимоий фанлар факультети бошланғич таълим кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Ҳар бир давр ўз қаҳрамонлари, донишмандлари ҳамда санъаткорларини майдонга чақиради. Улар ўз фаолиятларида даврнинг илғор руҳини, халқ кураши ва орзуларини қанчалик мужассам қилганликларига қараб қадр топадилар, барҳаётликка юз тутадилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўз даврида ўзбек халқининг эрк йўлидаги асрий кураши ва интилишлари, эзгу орзуларини мужассам этган улуғ фуқаро, серқирра даҳо, санъаткор, ижтимоий арбоб сифатида тарихга кирди. Авлодлар наздидан ўчириб бўлмас ва улуғвор ҳайкал сифатида мангу – барҳаётлик касб этди. Ҳ.Ҳ. Ниёзий ташаббус кўрсатиб, меҳнаткаш халқ фарзандларига маърифат ўчоқларини очди. Барча асарларида илғор идеалларни ғоявий-бадиий жўшқинлик билан ёритди. Жанговар шоир, драматург, композитор, театр санъатининг йирик моҳир педагог ва фаол жамоатчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йилда Қўқонда тароқчи оиласида туғилди.

У ижодини, асосан, 1905 йилдан бошлади. Ўз фаолиятининг бошиданоқ илм ва таълим, педагогика масалалари билан бошлади. Шоир икки йил давом этган чет эл сафаридан сўнг (1914 йил) адабий-ижодий иш билан бирга педагогик ишларини ҳам фаол олиб борди. У Қўқонда «Дорул-айтом» («Етимлар мактаби») номи билан мактаб очиб, унда ўзи ўқитувчилик қилди, мактаб учун зарур бўлган қўлланмаларни ҳам ўзи тузди.[1]

[1] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Мукаммал асарлар тўплами, иккинчи том, "Мактаби дорил айтом". Ўзбекистон ССР "фан" нашриёти, Тошкент-1980, 256-260- бетлар.

Илм-марифатни севди, зўр бериб тарғиб қилди. Педагогик мавзуларда ва илм ҳақида махсус шеърлар ёзди, мақолалар бағишлади, буларда у илмни улуғлади:

Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг нодори илм.
Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм!
Ул ҳақиқат ойинига сайқал истарсан Ниҳон
Илм иста, илм иста, истагил зинҳор илм.

Хотин-қизлар озодлиги масаласига ҳам катта аҳамият берган шоир хотин-қизлар ҳуқуқи, эркаклар билан тенг мавқеи ҳақида, уларни ҳам эркаклар билан бирга жамият ишида фаол катнаштиришга, эркаклар билан тенг илм-маърифатли бўлишга чақиради:

Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил.
Мактаб, анжуман борғил, унда фикр очиб гоҳи
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил.
Сояларда сарғайган юзларинг қилиб гулгун,
Сен ҳам аҳли донишлар базмини гулистон қил.[1]

Ҳамза фақат янги халқ, мактаб ва маориф тизимини яратиш ғояларинигина илгари суриш билангина чегараланиб қолмади, балки мактабнинг вазифаси янада муҳим фикрларни айтди: таълим-тарбияларни илгари сурди.

Илмнинг қудрати билан ҳамма ишни қилиш мумкинлигига қатъий ишонган оптимист шоир келажакда инсоният ақл ва илм қудрати билан сув остида сузишини, осмонларда учишини орзу қилган эди. У ўзининг донолиги, билими билан келажакни кўра олган эди. Зотан билим, фан келажакни билиш учун ўткир қуролдир. Илм келажакни билишнигина эмас, балки замонни ўзгартириб юборишнинг ҳам қудратли қуролидир. Шоир ана шу қудратли қурол ёрдамида, яъни ўзининг ўткир билими билан келажакни олдиндан кўра олган эди:

Олим бўлсак қанча биз,
Ҳар бидъатни янчамиз.
Жаҳл отли душманни,
Кўксига тиғ санчамиз.
Олим бўлсак дунёда,
Келур ҳар иш бунёда;
Биз ҳам сув ости кезиб,
Ҳам учармиз фазода.

Ижоднинг муҳим қирраси бўлган поэзиясига ҳалқимизнинг асрий шеърий маданиятида эришилган камолотни, айниқса, Навоий ва замондошлари Муқимий, Фурқат сингари сўз санъати анънавий усталарининг ҳаётбахш ва сержило интилишларини сингдирди. Бунга шоирнинг «Девон»(1907-1917), «Енгил адабиёт «(1914), «Ўқиш китоби «(1914), «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуаси(1915), «Яшил гул», «Пушти гул», «Сариқ гул»(1916), «Сафсар гул»(1917)[2] каби тўплам – китобларидаги энг яхши шеърларида қаноат ҳосил қиламиз. Замонанинг долразб масалаларига ҳозиржавоблик, гуманистик ғояларини халқчиллик йўсинида ифодалаш, самимият бу асарларнинг етакчи ғоявий-бадиий йўналишини белгилайди.

Шоир поэзияси жанрий томондан ранг-баранг, ниҳоятда бой ва турли-туман: ғазал, муҳаммас, мусаддас, мурабба, рубоий, қўшиқ дуэт, ҳатто драматик ифодалаш элементларидан шеърий монолог, саҳнабоп диалоглар кенг томир отган. У лирик кечинмаларни ифодалашда аруз вазнининг дилга хуш ёқувчи, мулойим ритмик оҳангларидан, халқ шеъриятининг ўйноқи, қалбларни тўлқинлантирувчи турлича усулларидан, публицистик лириканинг жўшқин кайфият уйғотувчи майлларидан кенг фойдаланди.

Ҳамза фаолияти, асарлари уни жўшқин маърифатпарвар сифатида алоҳида характерлайди. Бунинг учун айрим асарлар номларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ «Педагоглик асарлар» (1911-1915) китоби, «Муҳтарама оналарима хитоб», «Мактаб хусусида», «Олим ва жоҳил ҳақинда», «Илм бизни етургай ҳам муродга», «Қалам», «Китоб», «Илм иста», пьесаларидан «Заҳарли ҳаёт» кабилар. Ушбу масаланинг илдизига кўз ташлайдиган бўлсак, шоир ижодининг дастлабки даврларидан бошлаб илм-маърифатни жон куйдириб тарғиб қилувчи, педагогик руҳли асар яратиш бобида қунт қилиб ишлади. У «Илм иста», «Ўқи», «Илм бизни…» сингари шеърларида маърифатли бўлишликнинг хосиятлари хусусида очиқдан-очиқ куюниб ёзади», Етургай ҳар муродга» дея уни эгалламаслик турмушдаги қолоқлик сабабчиси тарзида зорланади:

Ниҳоят бизда мактаб – илм йўқтур,
Чиқарди бизданам кўп яхши дўқтур,
Ўқумоқ бўлса бизни ҳам ишимиз,
Кўпаюр файласуф, олим кишимиз,
Илмдан ўзга йўқдур бизга йўлбош,
Тараққийга олиб бормоққа йўлдош
(«Илм бизни...»)

[1] Ўша асар-59-61- бетлар

[2] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий тўла асарлар тўплами, беш томлик, 2-том Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1988, 196-бет.

Шоирнинг инқилобгача яратган бу типдаги лирик шеърлари учун характерли хусусият уларда донолар учун тор бўлган замонадан зорланиш, эрк, адолат душманларидан норозилик ҳисларини ифодалаш, кишиларнинг ўзаро носамимийлигидан безиш ва ҳушёрликка даъват этиш каби гуманистик туйғуларни ифодалаш устун туришида эди. Шу маънода унинг «Кимда дониш бўлса...»[1] ғазалини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кимда дониш бўлса олам мисли зиндондур анго,
Ҳар нафасда бинг ғаму андуҳ меҳмондур анго.
Андалиб бир савт ила бўлди гирифтори қафас,
Зоғ бинг савт этса, қайси дил паришондур анго.
Ҳар кима асрор ёзма минису ҳамдам билуб,
Болғу тегмоқ боиси бошига хандондур анго.
(«Кимда дониш бўлса...»)

Мумтоз шеъриятимиз оҳангларига, ритми интонацион тузилишларига садоқатли усулда юқоридагидек шеърлар ёзиш шоир ижодининг ўша йиллари учун алоҳида кўзга ташланиб турувчи хусусиятлардан саналади.

«Қалам»[2] сингари шеърларига назар ташланса, юқорида айтилган фикр беками-кўст тасдиқланади. Уларда аруз вазни рукнлари негизидан қуйилиб келувчи шарқона ёқимли, равон шеърий оҳанглар ифодаланувчи мазмуннинг кўнгилларда муҳрланиб қолишига, китобхонда завқ-шавқ қўзғатишга хизмат қилади.

Ўқудим, чиқди саводим ҳам хатим яхши қилди бўлуб,
Ғайратимға яраша ишлар манға қилди қалам.
(«Мен қачон»)

Шеърда поэтик образ – мажозий ифодалардан фойдаланиш таъсирчанликни тағин ҳам тобига етказади:

Қорадир гарчи, изи нури ҳақиқатдир ўзи,
Чунки босган ерда зулматни зиё қилди қалам.
(«Қалам»)

Ҳар балодин асрағувчи энг муҳим қиймат яроғ,
Тири ваҳшат, ханжари зиллатга қалқондур китоб....
(«Китоб»)

Таълим-тарбиявий руҳдаги шеърлари орасида маърифатлиликнинг хосиятларини умумлаштирувчи, ўзгача бир образлилик йўлидан бориб ёзилган, ҳар қайси тушунчаларга тегишли хусусиятларни бирма-бир ва изчил кўрсатиш орқали уларни индивидуал ҳамда аниқ ҳолатларда тасаввур қилишга имкон яратувчи шеърлар равон ўқилишини, таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туришини айтиш керак. Чунончи, унинг «Олим ва жоҳил ҳақинда» номли нисбатан каттароқ шеъри шу йўсинда битилгандир. Асарнинг аталишидаёқ поэтик персонажлар ўз моҳиятидаги зидликка мувофиқ муайян таъсир қолдиради: «Олим бўлсак, ҳар ишимиз бунёд бўлади, яхши ҳаёт қурамиз, шуҳрат қучамиз, сувда кезамиз, ҳавода учамиз». Аксинча, шоирнинг фикрича жоҳил қолсак, хўрлик, минг бало, ҳайвоний азоб кўрамиз. Тараққиёт асоси бўлган олимликка интилишни эъзозловчи қуйидаги тўртликлар ҳануз замонавий ва актуал янграйди:

Жоҳил қолсак борамиз,
Қўлдин кетиб чорамиз.
Йўқ иллатлар қўзишиб,
Кўпайгуси ярамиз.
Олим бўлсак қанча биз,
Ҳар бидъатни янчамиз.
Жаҳл отлиғ душманни,
Кўксина тиғ санчамиз.

Поэтик мақсаднинг юқоридагидек муайян сюжет чизиғида ифодалаш йўлидан бориш шеърда тартиб ўрнатишга, аниқликка, индивдилуалликка, демакки, таъсирчанликка қизиқувчанликни оширган. Инқилобгача бўлган даврдаёқ бундай усулга кенг мирожаат этишда, фольклорга хос хусусиятларга тўла мойилликда Ҳамза поэзиясининг новаторона хусусиятлари манбаини ҳам идрок қиламиз. Бундай хусусиятлар шоирнинг инқилобдан кейинги шеъриятларида тағин ҳам ёрқинлашди ва унинг асарлари халқчиллиги чуқурлашди.

Тадқиқотларда, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ижодиёти кўлами хусусида гап кетганида, унинг ўзбек болалар адабиётини шакллантириш борасидаги хизматларини ўринли таъкидлайдилар. Бизнингча, бу масалага ёндошишда унинг мазкур соҳадаги хизматларини даврлар моҳиятигагина қараб эмас, ўша кезлардаги асарлари салмоғи ҳам бадиий савиясига суяниб баҳо бермоқ керак. Негаки, адибнинг инқилобгача болалар адабиёти хазинасига қўшган улуши ва бу борада тутган ўрни билан айни шу соҳага инқилобдан кейин қўшган ҳиссаси ўртасида катта тафовут бор. Ҳамза инқилобгача бўлган давр ижодида жамиятимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар адабиётига, уларнинг таълим - тарбиявий ишлари бошқа бирор сўз санъаткори – педагоги билан тенглаштириб бўлмас даражада катта улуш қўш-

[1] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Тўла, асарлар тўплами, 5-том, Девон, Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, Тошкент-1988, 19- бет.

[2] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мукаммал асарлар, 4 томлик, 2-том. Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, Тошкент-1980, 222- бет.

ди. Бундай ҳиссанинг салмоғини чамалаб кўрмоқ учун устоз адиб инқилобгача бўлган даврда болалар адабиётига даҳлдор тармоқларнинг уч бўғинида самарали ва собит қадам билан тинимсиз ишлаганлигини мамнуният билан қайд этиб ўтиш зарур: унинг ҳаёт йўли ёзмаларидан – биографиясидан аёнки, Ҳамза аввало, ўлкамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида мактаблар очиб, ўзи бевосита муаллимлик қилган, эл-юртимиз маърифатли бўлиши йўлида жонбозлик қилган. Иккинчидан, шахсан ўзи мактаблар учун махсус қўлланма – дарсликлар тузиб, уларга материаллар танлашда ўқувчилар учун оғирлик қилмаслигига, содда ва тушунарлилигига алоҳида эътибор берган. Буни Ҳамза тузган биринчи китобнинг «Енгил адабиёт» (1914)[1] деб номланиши ҳам тасдиқлаб туради. Қирқ беш дарсга мўлжал қилинган ва биринчи синф ўқувчиларига аталган бу китобда таълимнинг соддаликдан аста-секин мураккабликка ўса бориши, ўқувчилар билими доирасининг кенгая бориши ҳисобга олинганлиги даврнинг илғор педагогик ва таълим-тарбия талабларига ҳамоҳанглигидан далолатдир.

Ҳаттоки, Ҳ.Ҳакимзода ўзбек алифбосини («Енгил адабиёт»)ни, ўқиш китоби («Ўқиш китоби») ни ва адабий ўқиш китоби («Ўқиш китоби») ни тузиб, янги ўзбек ўқув адабиётини боғлаб берганлиги айтилади.

5. Ҳамзанинг бу дарсликлари қўлёзма ҳолида қолган ва ЎзР Шарқшунослик институтида сақланади, инв, №7628.

Йирик педагогнинг «Иккинчи синф учун қироат китоби «(1915)[2] ҳам таълим-тарбия ишларини тубдан яхшилашдек эзгулик йўлида пайдо бўлди. Унинг бу ва шунга ўхшаш бошқа қўлланма ҳамда дарсликлари ўқув-тарбия ишлари равнақига хизмат қилиши билан бирга янги саводхон китобсеварларни тарбиялаш ишига хизмат қилди. Демак, масаланинг бу томони билан Ҳамза ўзбек болалар адабиётининг назарий асосларига муносиб таъмал тоши қўйди.

Учинчидан, Ҳамзанинг қўлланма ва дарсликларидаги намуналарнинг аксарияти адибнинг ўзи томонидан болаларбоп савияда, нутқий нормаларда ижод этилган шеър ва прозаик намуналардан иборатлиги билан кичкинтойлар китобхонлиги даврасини кенгайтирувчи халқчил асарлар эди. Ҳамза булар билангина чегараланиб қолмай, болалар учун мустақил ва махсус бадиий асарлар яратганлиги эса адиб фаолиятининг бу соҳаси қадрини, салмоғини янада бўрттиради. Тўғри, бундай намуналарнинг кўпчилиги ўша дарсликларда илк бор ўз аксини кўрганди. Бироқ бундай ҳол уларнинг мустақиллигини, ўзбек болалар адабиётининг ноёб намуналаридан ҳисобланишини инкор қилмайди, аксинча, муаллифнинг мазкур соҳага қўшган ҳиссасини кўз-кўз қилиб туради.

Дарҳақиқат, адибнинг болаларга бағишланган шеърлари шу адабиётнинг бешиги ҳисобланган фольклор поэтикасига ҳамоҳанглиги, ундан илҳомланганлиги, образли, содда, самимий ҳамда халқчил хусусиятлари билан диққатга лойиқдир. Уларни ғоявий-тематик йўналишига қараб икки гуруҳга ажратиб таҳлил ғалвиридан ўтказиш маъқул. Зеро, бир тўп шеърлари («Тошбақа ва чаён» «Ўрик», «Гилос», «Олуча» кабилар)да таълим-тарбиявий, инсоний масалалар табиатнинг органик ва ноорганик мавжудотларига муносабат орқали, уларга мансуб хусусиятларн бир-бирига қиёслаш воситасида акс эттирилади. Бундай шеърларда образларни кўчма-мажозий маънода поэтиклаштириш уларнинг таъсирчанлигини, мисраларнинг хаёлларга чўлғовчи, ўйлантирувчи, гап мағзини чақишга ундовчи хусусиятини чуқурлаштиради. Айтайлик, машҳур «Тошбақа ва чаён»[3] номли масалида дўстлик, биродарлик ҳамда ҳамдамликда садоқатли бўлиш сингари инсоний туйғуларга хиёнат қилиш, носамимийлик, асли душманликни тилёғламалик билан яшириш ҳамда ёмонлик қилиш учун пайт пойлаш, ғайирлик –алдоқчилик қораланади. Бундай ҳоллар фожиавий қисматларга олиб келиши Тошбақа ва Чаён аллегорик образлари муносабатлари мисолида конкретлаштирилади. Шеърдан чиқадиган педагогик хулоса ниҳоятда лўнда ва аниқдир.

Ҳисса: кимки ғайрни улфат этар,
Ўз-ўзига бошига кулфат етар.

Бундай бадиий соддалик, халқ ижоди фольклор поэтик маданиятига яқинлик шоирнинг болаларга бағишланган ҳамма шеърларида бўртиб кўринувчи хусусиятлардир. «Олуча», «Гилос», «Ўрик» шеърларида мумтоз адабиётимиз қаърига сингиб кетган суҳбат – диалог усулидан мақсадни очишда кенг ва эркин фойдаланилади ва ҳаётийлик, таъсирчанлик, жонлилик таъминланади. Бу уч шеър ўзаро ички боғланишга эгалиги, муайян лирик сюжет чизиғи устида қурилганлиги билан мевалар мажлиси ва улараро баҳсларни эслатади: Ўрик Тутга пеш келиб, ўзини-ўзи кўкка кўтариб мақтаса, кейингиси ундан ҳам қолишмайди, «Ўзим минг дардга даво» дея «мухолифи»ни енгишга интилади. Гилос ҳам Ҳорфи Ўрикни «ерга уради», «Ғўранг қурсин кеч битар, еган киши ич кетар» дея уни ўсал қилиш, дорилигидан мақта-

[1] Юқоридаги манба, 314-342-бетлар.
[2] Юқоридаги манба, 365-395- бетлар.
[3] Юқоридаги манба, 227-бет.

ниш айтишга тушади. Навбати етгач, Олуча ғам, «гезариб» гилосга манг уради – манзара инсоний руҳ олиб, ғоят жонланади:

«Эй гилос, лоф урмагил
Аччиғим келтирмагил!
Тумшуғингга бир солай,
Сўнгра йиғлаб юрмагил
Мақтасам бир йил ўтар,
Боғбон ҳўлликда сотар,
Ортганимни қуритиб,
Қант билан қиём этар».[1]

Шу ўринда масаланинг муҳим бир томонини изоҳлашга эҳтиёж сезамиз. Гап шундаки, айрим тадқиқотларда дарслар мажлиси, ҳарфлар, тиниш белгилар баҳслари шаклларида болалар шоирларимиз томонидан яратилган асарларнинг анъаналари таъсирига олиб бориб тақайдилар.

Шу билан бирга, бундай усуллар қўллашнинг бошланиши мумтоз адабиётимизга, қолаверса, Ҳамза Ҳакимзода ижодининг етакчи ўзанига бориб тақалади. Бунинг исботи сифатида шоирнинг юқорида тилга олинган ва болалар учун бағишланган шеърлар сифатида кўз ташланган намуналарга мансуб хусусиятларни чамалаш, таҳлил қолипига солиб кўриш кифоядир.

Иккинчи тоифа шеърларида Ҳамза бевосита кишилар образларини бўртиқ қирралари орқали ёритиб, болаларга муҳим ахлоқий-тарбиявий ўгитларни шеърий усулда таъсирли сингдиради. Хусусан, она авлодларни дунёга келтирувчи заҳматкаш ва мўътабар зот эканин унутмасликка, уни ҳамиша шоду хуррам этиш пайида бўлишга чақирувчи «Она» номли шеърини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, ўғирлик қилишнинг оқибати ҳижолатли ва хунуклигини тарғиб қилувчи, ёшликдан «тўптош «сингари беҳуда ўйинларга ружу қўйиш қиморбозликка йўл очишини, бунинг оқибатида уй-жойдан ажраб қолишни, одамгарчилик сафидан чиқаришни Ҳошим исмли бола тимсолида шарманда қилувчи «Қиморнинг боши» шеъри бадиий соддалиги, таъсирчанлиги, ўз ахлоқи, феъл-атвори устида ўйлаб иш кўришга даъват қилиши билан ҳаётий ва ҳаққонийдир.

Унинг бундай руҳбахш, ибратли шеърлари талайгина. Шулардан тағин биттасига эътибор ташлаб ўтиш ортиқчалик қилмас. Чунки, «Боланинг ёмон бўлмоғига сабаб бўлган онанинг жазоси» деб аталувчи бу шеър танқид тиғининг икки томонламалиги билан ҳамиша ҳаётий-тарбиявий ўрин эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам ўз фарзандини ёшликдан харомга, ўғирликка ундаш, уни бу йўлдан вақтида тиймаслик оғир инсоний қисматга олиб келиши, охирида боланинг кўзи очилиб, сут эмдирган она кўкрагини узиб олиш деталида ҳикоя аниқ-тиниқ жонланади, китобхон этини сескантиради. Чиқарилган хулоса эса абадул адаб ибратлидир:

Ҳисса: кимнинг ўғли ёмон, йўқ ажаб,
Бўлғай анга ота, онаси сабаб.

Адибнинг болаларга бағишланган шеърий асарлари таъсирчанлигини, ҳаётбахшлигини оширувчи муҳим бадиийлик омили уларга халқчил юморнинг чуқур сингдириб юбориш маҳоратидадир. Агар биз шоир шеъриятига, болаларга бағишланган намуналарга назар ташласак, уларга енгил ва хушчақчақ юмордан тортиб, аччиқ истеҳзо ва заҳарханда, масхараловлари мисралар томир-томирига сингдириб юборилганлигининг гувоҳи бўламиз. Сирасини айтганда, ижодкор учун ниҳоятда ноёб бўлган бундай жиҳатлар Ҳамзанинг публицистик, поэтик, прозаик ҳамда драматик ижоди учун муштарак ҳисобланган зўр ҳажвкорлик таланти билан омухтадир. Болаларга бағишланган асарларда эса юморнинг зоҳир бўлиши бундай намуналарнинг ҳаётий кучини, таъсирини оширувчи санъаткорона ноёб фазилатлардандир. Демак, Ҳамза болалар адабиётининг ана шу талаб ва хусусиятларини тўла англаб, идрок этиб ҳис қилиб қалам тутган.

Резюме. Ўзбек болалар педагогикаси, таълим-тарбиясида ўзининг ноёб қобилияти ва халқчиллиги билан чуқур из қолдирган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг поэтик маҳорати ҳамда тарбиявий, дидактик характери мазкур мақола асосини ташкил этади.

Resume. The poetic skill and educational, didactic character of Hamza Hakimzoda Niyazi, who left a deep mark on Uzbek children's pedagogy and education with his unique ability and popularism, form the basis of this article.

Резюме. Поэтическое мастерство и просветительский, дидактический характер Хамза Хакимзода Ниязи, оставившего глубокий след в педагогике и образовании узбекских детей своими уникальными способностями и популяризмом, составляют основу данной статьи.[1]

[1] Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Мукаммал асарлар тўплами, 2-том, Ўзбекистон ССР "Фан" нашриёти, Тошкент-180, 30-31-бетлар.